

ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>

UZBEKISTAN IS A NEW AREA OF COOPERATION BETWEEN KAZAKHSTAN

Shukhrat E. Kamilov

Master's student

Tashkent University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: shuhrat444@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: strategy, reforms, trends, security, cooperation, investment, political relations, economics, allied relations, diplomacy.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: Today, Uzbek-Kazakh cooperation has developed in all directions, moving from a strategic partnership to an allied level. At the same time, the trends that have emerged in recent years and have been steadily developing in bilateral and multilateral relations have shaped, developed and redefined people's diplomacy in the areas of economic cooperation, industrial cooperation, parliament and cultural and humanitarian spheres.

ЎЗБЕКИСТОН - ҚОЗОҒИСТОН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ҚАМРОВИ

Шуҳрат Э. Камилов

Магистратура талабаси

Toшкент шарқиунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: shuhrat444@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Қалит сўзлар: стратегия, ислоҳотлар, тенденциялар, хавфсизлик, ҳамкорлик, инвестиция, сиёсий алоқалар, иқтисодиёт, иттифоқчилик алоқалари, дипломатия.

Аннотация: Бугунги кунда Ўзбекистон-Қозғистон ҳамкорлиги ҳар томонлама ривожланиб, стратегик шерикликдан иттифоқчилик даражасига чиқди. Бунда икки ва кўп томонлама муносабатларда кейинги йилларда вужудга келган ва мунтазам ривожланиб борган тенденциялар иқтисодий ҳамкорликда саноат кооперацияси, парламент ва маданий-гуманитар соҳаларда халқ дипломатиясини шакллантириди, ривожлантириди ва ўзинингянги кўринишларини келтириб чиқарди.

УЗБЕКИСТАН – НОВОЕ НАПРАВЛЕНИЕ СОТРУДНИЧЕСТВА КАЗАХСТАНА**Шухрат Э. Камилов***Магистрант**Ташкентский университет востоковедения**Ташкент, Узбекистан**E-mail: shuhrat444@mail.ru***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: стратегия, реформы, тенденции, безопасность, сотрудничество, инвестиции, политические отношения, экономика, союзнические отношения, дипломатия.

Аннотация: Сегодня узбекско-казахстанское сотрудничество развивалось по всем направлениям, перейдя от стратегического партнерства к союзническому. В то же время наметившиеся в последние годы и постепенно развивающиеся тенденции в двусторонних и многосторонних отношениях сформировали, развили и переопределили народную дипломатию в сферах экономического сотрудничества, производственной кооперации, парламентской и культурно-гуманистической сферах.

КИРИШ

Ўзаро ҳамкорликнинг ўзгариши шароитида сиёсий дипломатик янгиликлар. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мустақиллигининг 30 йиллиги икки мамлакатда амалга оширилаётган кўп қиррали ислоҳотлар ва янгиланган ички ва ташқи сиёсатнинг ўйғунлиги билан кечмоқда. Икки давлат учун давлат мустақиллигининг бу даври ўзига хос ривожланиш йўли билан фарқланади. Айниқса, Ўзбекистонда 2016 йилдан бўён Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида фаолият юрита бошлаганидан кейин ички сиёсатда ўзгача ёндашувлар, янги стратегия асосида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг дастлабки ўзгаришлари, тенденциялари ривожланиб бормоқда. Улар ижтимоий давлатнинг шаклланиши, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларда кузатилаётган очиқлик, ижтимоий-гуманитар соҳалардаги янгиланишлар ва ўзгаришлар, шунингдек, иқтисодий муносабатларни либераллаштириш, бозор иқтисодиёти муносабатларини такомиллаштириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, давлат ва жамият фаолиятининг барча йўналишларида илғор ахборот технологияларни жорий қилишда намоён бўлмоқда. Ўз навбатида бу тенденциялар янги жараёнларни вужудга келтириб Ўзбекистоннинг ҳалқаро муносабатлардаги ўринини белгилашда, миллий манфаатларни ҳимоя қилишда ўзига хос услублар, механизмлар, йўналишларни шакллантирмоқда. Бу жараён бир томондан олдиндан мавжуд бўлган ҳамкорлар, имкониятлар билан янгича ишлашни талаб қилиши билан бир вақтда яна бошқа ҳамкорлар ва имкониятларни излаб топишни кун

тарибига қўйди. Шу маънода Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида иккита муҳим тенденция устунлиги кузатилмоқда. Бунда, биринчи тенденция - давлат ва жамиятнинг ички барқарор ривожланиши, самарали ислоҳотларни амалга ошириш, аҳолининг барча қатламлари турмуш фаровонлигининг ошишини мунтазам таъминлаш ва ҳаёт сифатини бир неча бараварга ошириш учун жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин ташқи имкониятлар, механизмлар, шарт-шароитларни қидириб топиш ва яратиш. Иккинчиси - ҳозирги замон жаҳон сиёсатининг зиддиятлари, хавф-хатарларини халқаро муносабатларнинг, айниқса, минтақавий ривожланишнинг траекториялари ва омилларини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш асосида давлатимиз атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш.

Бу борада қўшни давлатлар, жумладан Қозоғистон билан ҳамкорлик ўтган йилнинг декабр ойида давлатимиз раҳбарининг бу мамлакатга давлат ташрифининг амалга оширилиши ва ҳамкорликнинг турли соҳалари бўйича музокаралар олиб борилиши натижасида 22та шартномаларнинг тузилиши, икки давлат ўртасида иттифоқчилик декларациянинг имзоланиши эришилган ютуқлар сарасига киради. Бу Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё - энг устувор йўналиш эканлигини яна бир бор тасдиқлади, кейинги беш йил давомида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларда вужудга келган янги тенденцияларнинг юқори нуктаси бўлди ва муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таҳлиллар ва кузатувлар шуни кўрсатадики, суверен давлатлар сифатида Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари 1991 йилдан бошланади. Ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиш тенденциялари икки даврни ўз ичига олади. Биринчиси, 2016 йилгача бўлган давр бўлиб, бунда икки давлат ўртасидаги сиёсий дипломатик, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларнинг ўрнатилиши, бу жараёнларнинг изчил ривожланиб бориши кузатилади. Маълум даражада бу босқичда алоқалар мўътадил ривожланиб келди. Икки давлат ўртасида стратегик ҳамкорлик вужудга келди. Уларнинг Марказий Осиё минтақасидаги муаммоларга муносабати муштарак бўлиб, халқаро миқёсда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Сиёсий алоқаларнинг янги тенденциялари. Ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичи Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон раҳбари сифатида фаолият юрита бошлаганидан бўён давом этаётган даврни ўз ичига олади. Бу даврдаги алоқалар ўзининг мазмун-моҳиятига кўра янги жиҳатлари ва кенг қамрови билан фарқланмоқда. Мазкур босқич 2016 йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрига Қозоғистон Президентининг ишчи ташрифи, Шавкат Мирзиёев билан учрашуви ва олиб борган мулоқотлари билан бошланди. 2017 йилнинг март ойида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти сифатида Козоғистонга ўзининг

биринчи расмий ташрифини амалга оширди. Бунда яхши қўшничилик ва стратегик шерикчиликни мустаҳкамлаш тўғрисида биргаликдаги қўшма декларация қабул қилинди. Шунингдек, 12 та ҳукуматлараро ва муассасалараро ҳужжатлар, савдо- иқтисодий ҳамкорлик бўйича келишувлар имзоланди. 2019 йил Қозоғистоннинг янги Президенти Қ. Тоқаевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди. Кейинчалик юқори даражадаги учрашувларда сиёсий мулоқот ўзаро ишончга асосланган мунтазамлик ва доимийлик касб этди. Ўз навбатида бундай мулоқотлар хавфсизлик, иқтисодиёт, инвестиция, туризм, маданият, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида минтақавий ва ҳалқаро аҳамиятга молик муҳим қўшма қарорлар қабул қилинишига туртки бўлди.

Пандемия бошлангунга қадар олий даражада 10 та расмий ташрифлар амалга оширилган. Ҳалқаро даражадаги тадбирлар доирасида 2019 йилдан бўён давлат раҳбарларининг 10 дан ошиқ учрашувлари бўлиб ўтди. Давр талабидан келиб чиқиб онлайн-форматдаги мулоқотлар олиб бориш йулга қўйилди. Бундан ташқари давлат раҳбарларининг телефон орқали мулоқатлари фаоллашиб бормоқда.

Ўз навбатида, янги босқичдаги сиёсий алоқалар Президентлар ўртасидаги ўзаро ишонч мустаҳкамланиши ва олий даражада ўрнатилган очиқ ва ишончли мулоқот барча ҳамкорлик йўналишларини кучайтириш учун пойdevor вазифасини бажарди. Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан муносабатлари тубдан яхшиланишига олиб келди ва бундай ижобий объектив ҳолат Марказий Осиёдаги янги ўзгаришлар бошланишига туртки бўлди. Минтақадаги қўшни давлатлар билан муносабатларда 2016 йилгача тўпланиб қолган қўплаб муаммоларга ечим топишга ижобий таъсир қилди. Бундай фаолият ҳалқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳолана бошланди.

Иқтисодий дипломатия: саноат кооперациясини ривожлантириш. Таъбиийки, икки давлатнинг тарихий, иқтисодий макон, маданий- гуманитар, табиий ва географик жиҳатдан яқинлиги, бир-бирини тўлдирувчи ресурслар ва ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги барча алоқаларни, жумладан иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожланишига катта шарт-шароит ва имкониятлар яратди. Лекин бугунги кунда икки томонлама муносабатларни юқори даражага олиб чиқиша давлат раҳбарларининг сиёсий фаолияти катта аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон раҳбарининг иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш учун барча ресурс ва имкониятлар, иқтисодий дипломатияни бутунлай янги шакл ва услубда йўналтириши сўнгти йилларда катта ўзгаришларга олиб келди ва келажакда иқтисодий муносабатларнинг янада ривожланишига асос солди. Бундай янгиликлардан бири - мамлакат иқтисодиётини ижтимоий йўналтириш ва юқори технологик ишлаб чиқаришни шаклантириш. Бу борада ҳозирги кунда нафақат минтақада, балки дунё бўйича глобал ривожланиш таъсирида

устувор тенденцияга эга бўлган саноат кооперациясига асосланган икки ва кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни бугунги замон талаблари асосида ривожлантиришdir. Сир эмас, жаҳоннинг саноати ривожланган йирик давлатлари АҚШ, Япония, Германия, Италия, Буюк Британия, Франция, Италия каби давлатлари билан бир қаторда янги ривожланиб келаётган Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Жанубий Корея каби мамлакатларда саноат кооперацияси иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Юқорида айтганимиздек, бу борада Марказий Осиё минтақаси, жумладан Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг хўжалик субъектлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг янги шакллари вужудга келмоқда.

Бу борада, давлатимиз раҳбарининг Қозоғистонга ташрифи давомида саноат кооперацияси соҳасида эришилган келишувлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Натижада кўшни давлатда Ўзбекистон капитали иштирокида қўшма корхоналар бунёд этилмоқда. Жумладан, Қозоғистонда Қўстаной “Сариарка Авто саноат” базасида автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, Чимкентда “Alliance” ўзбек-қозоқ савдо-саноат компаниясининг тўқимачилик корхонаси ишга туширилди. Ўзбекистоннинг “DentafillPlus” компанияси Туркистон шаҳрида тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхонасини бунёд этди, қишлоқ хўжалиги техникаси, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, шунингдек, чўл зонасида ўзбек суғориш технологиялари асосида боғдорчилик кластери яратилмоқда. Ташриф арафасида ўтказилган ишбилармонлик тадбирлари якунида қиймати 6 миллиард долларга яқин бўлган янги инвестиция ва савдо келишувлари имзоланди. Бу жараённинг икки давлат раҳбарларининг ўзаро музокараларида муҳкокама этилиши ва тегишли ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилиниши муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлмоқда, ва икки давлатнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига сабаб бўлмоқда.

Транспорт дипломатияси. Ўзбекистон ва Қозоғистон транзит-транспорт соҳасида салмоқли салоҳиятга эга. Шунингдек икки давлат Евроосиёнинг халқаро аҳамиятга эга бўлган “Шимол-Жануб” ва “Шарқ-Гарб” асосий савдо-транспорт йўлаклари кесишимасида жойлашганини эътиборга олиб, транспорт тармоғини ривожлантириш бундан самарали фойдаланиш ҳозирги даврнинг муҳим долбзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Бу борада биринчидан, Ўзбекистон ва Қозоғистон 2024 йилда “Туркистон-Шимкент-Тошкент” тезюарар темир йўл лойиҳасини амалга оширишни тезлаштиришни режалаштируммоқдалар. Янги магистралнинг Қозоғистон ва Ўзбекистонни бирлаштирувчи ягона туристик йўналиш бўлиши кўзланмоқда, бу иккала мамлакатнинг туристик салоҳиятини ошириш имконини беради.

Қозғистон ва Ўзбекистон «Учқудук-Қизилўрда» темир ва автомобиль йўллари лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида келишиб олишди. Янги йўл белгиланган йўналишда масофани 3-3,5 баробар қисқартириш ва минтақа давлатларини Қозғистоннинг жанубий, марказий ва шимолий вилоятлари орқали Россия билан боғлаш имконини беради.

Учинчидан, икки давлат халқаро транспорт йўлаклари ва транспорт инфратузилмасини яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда, бу экспорт маҳсулотларини икки давлат ҳудудида уни учинчи давлатга етказиб бериш учун транспорт харажатларини пасайтиришга ёрдам беради. Шу йилнинг апрель ойида ўзбек-қозоқ чегарасида мамлакатлар ўртасидаги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда замон талаблари асосида саноат ва савдо-логистик майдон вазифасини ўтайдиган “Марказий Осиё” Халқаро савдо-иктисодий ҳамкорлик маркази қурилиши бошланди. Ушбу марказ бир кечакундузда иккала йўналишда 35 минг киши ва 5 мингта юк автомобилларини ўtkазиш кувватига эга.

Тўртинчидан, Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасида ўзаро товар алмашлашни ривожлантиришга ёрдам бериш учун Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида улгуржи-тақсимлаш марказларини очиш йўли билан ягона товар ўтказиш тизимини барпо этиш режалаштирилмоқда. Қозғистон темир йўллари рефрижератор составида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Москва – Тошкент – Москва йўналиши бўйича тезкор етказиб бериш «Агроэкспресс» лойиҳасида иштирок этишади. Шу тарика, Ўзбекистон ва Қозғистон Марказий ва Жанубий Осиёни энг қисқа транспорт йўналиши бўйича боғлаб турувчи йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда самарали ҳамкорлик қилишлари мумкин. Хусусан, «Мозори-Шариф – Қобул – Пешовар» темир йўли қурилиши лойиҳасини амалга ошириш Ўзбекистон ва Қозғистоннинг темир йўл инфратузилмасини жалб этиш имконини беради.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасида транспорт-транзит соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш иккала давлат ўртасида товар айирбошлиш, туристлар билан алмашлаш, шунингдек малакатларнинг транзит салоҳиятини амалга ошириш имконини беради.

Худудлараро алоқалар ўзаро муносабатларнинг янги формати. 2017 йилдан мамлакатларимиз худудлари аро ҳамкорлиги шакллана бошлади. Хусусан, Ўзбекистоннинг Навоий, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Қозғистоннинг Қизилўрда ва Жанубий Қозғистон вилоятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди. Бу яқин худудлар ўртасидаги муносабатлар жадал суръатларда

ривожланишига турткі берди, одамларнинг ўзаро борди-келдиси, халқ дипломатияси йўлга қўйилди.

Ташриф давомида Тошкент ва Туркистон вилоятлари, Тошкент ва Нур-Султон шаҳарлари, Навоий ва Кизилўрда вилоятлари хокимиятлари (администрациялари) ўртасида 2022-2023 йилларга мўлжалланган ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича “йўл ҳариталари” қабул қилинди

Маълумки, Навоий вилоятининг Учқудук, Томди ва Конимех туманлари Қозогистон Республикаси Кизилўрда вилоятининг Қармақши ва Шиели, Туркистон вилоятининг Шардара туманлари билан чегарадош бўлиб, умумий чегара 620 километрни ташкил этади. Қозоқ халқи ва Навоий вилояти аҳолисини жуда кўплаб тарихий ва қариндошлиқ ришталари боғлаб туради. Бутун қозоқ халқи орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган мутафаккир Айтеки Би Байбекули айнан шу ҳудудда яшаб ўтган. Нуротадаги "Айтеки Би" мақбарасига Қозогистондан ҳар йили минглаб меҳмонлар ташриф буюради. Бугунги кунда вилоядта 40 мингга яқин қозоқлар истиқомат қиласиди ва бу энг катта диаспора ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Навоий вилоятининг қозогистонлик ҳамкорлар билан барча йўналишлардаги икки томонлама муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2021 йилди Навоий вилояти корхоналарининг Қозогистон компаниялари билан ташки савдо айланмаси 2020 йилда товар айирбошлиш ҳажмига нисбатан 20 фоиздан ортиқ ўсади. Пандемияга қарамасдан, жорий йилнинг ўн ойида маҳсулот экспорти 2 баробар, импорти эса 1,1 баробар ошди. Шунингдек, ушбу кўрсаткичларни янада ошириш учун катта салоҳият мавжуд. Вилоят ҳудудида Қозогистон сармояси иштирокидаги 10 та корхона фаолият юритмоқда. Улар асососан, тўқимачилик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби йўналишлардан иборат. Қозогистон Республикаси ҳудудидаги 3 та савдо уйида эса Навоий вилояти корхоналари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Форумда 5 та қўшма инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича экспорт шартномалари келишиб олинди. Шу билан бирга, кейинги икки йилда Қозогистон Республикаси билан ташки савдо айланмасини икки баравар ошириш режалаштирилмоқда.

Сирдарё вилояти ҳамда Қозогистон Республикасининг Ақмола, Павлодар ва Туркистон вилоятлари ўртасида доимий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Вилоятда Қозогистон капитали асосида 19 та корхоналар фаолият юритиб, жорий йилнинг ўн ойида Қозогистон билан ташки савдо айланмаси 137,3 млн долларни, шундан экспорт - 16,8 млн долларни ва импорт - 120,5 млн долларни ташкил этмоқда.

2021 йилнинг 25-26 ноябрь кунлари Қозогистон Республикаси Туркистон вилоятида Ўзбекистон-Қозогистон III минтақалараро форуми давомида Сирдарё вилояти ва

Қозоғистон Республикасининг вилоятлари ўртасида келгусида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қабул қилиш ва қайта ишлаш бўйича йирик савдо-логистика маркази ҳамда доимий тарзда саноат ва бошқа соҳаларда кенг ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар савдосини йўлга қўйиш бўйича аниқ масалалар муҳокама этилди. Хусусан, Қозоғистоннинг Туркистон вилояти ҳамда Шимкент шаҳрида кооперация асосида мебель ишлаб чиқариш бўйича музокаралар ўтказилиб, таклифлар кўриб чиқилди. Гулистон туманидаги “AB Trading Bukhara” ва Оқолтин туманидаги “Trade Agro” корхонаси билан Қозоғистон компаниялари ўртасида мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини йўлга қўйиш бўйича музокаралар ўтказилди. Шунингдек, Туркистон вилоятининг Жеттисай тумани ҳокимлиги ҳамда Қозоғистон маҳаллий компаниялари учун Гулистон шаҳрида жойлашган “Ekostoun” МЧЖ ҚК томонидан ишлаб чиқарилган кварц плиталарни етказиб бериш бўйича келишувга эришилди.

ХУЛОСА

Шундай килиб **биринчидан**, икки давлат ўртасидаги алоқалар мунтазам ривожланиб бормоқда. Бу алоқаларда минтақавий ҳамкорлик, замонавий иқтисодий дипломатик алоқалар, кооперацион алоқалар устунлик қилиши кузатилмоқда. Инвестиция, маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар янгича аҳамият касб этмоқда. Таҳлил шуни кўрсатадики, келажакда ва яқин истиқболда Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳамкорлигига барча соҳалардаги алоқаларнинг юқори тезликда ривожланиши юз беради. Бунга сабаб икки мамлакатнинг ҳам салоҳияти ва олдига қўйган стратегик иттифоқчилик мақсадларининг талаби ва халқаро миқёсдаги рўй бераётган ўзгаришларнинг таъсиридан келиб чиқади. Шунингдек, икки мамлакатнинг ривожланиш истиқболининг Марказий Осиёдаги шартшароитдан, жаҳон бозорига чиқиши ва янада такомиллаштиришнинг ўхшашлиги ва олиб борилаётган ислоҳотларнинг давлатларнинг иқтисодий салоҳиятини кўтаришга, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ва яшаш сифатини кескин яхшилашга қаратилганлигидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва Қозоғистон минтақанинг йирик давлатлари бўлиб, улардаги ички ва ташқи сиёsatдаги ҳар қандай ўзгариш бутун минтақага таъсир ўтказади. Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси уларнинг ўзаро яқинлашишга оид ҳаракатлари ва ташабbusлари, шунингдек кейинги йилларда тўпланиб қолган ички ва ташқи вазифаларни ечиш ва жаҳонда вужудга келган янги объектив реаллика мослашиш талаблари ислоҳотлар ўтказишга олиб келди. Бу ислоҳотларнинг икки мамлакатда ҳам олиб борилиши ва дастлабки натижаларга эришилиши Марказий Осиёни барқарор ривожланаётган ислоҳотлар минтақасига айлантиришга ва тинч яшашнинг янги моделини шаклланишига олиб келмоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатларининг

янги даврдаги маслаҳат кенгашининг йўлга қўйилиши, унинг ҳар томонлама Қозоғистон томонидан кўллаб-кувватланиши минтақавий муаммоларни ечишда муҳим қадам бўлди.

Бугунги кун талабидан, айниқса пандемиянинг таъсиридан келиб чиқиб янги ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу ўзгаришлар ўз навбатида минтақа давлатлари ўртасидаги яхши қўшничилик алоқаларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг билан бир вақтда Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг инвестициявий, савдо-иқтисодий, саноат, транспорт ва логистика соҳаларида вужудга келган ва ривожланиб бораётган қўп қиррали ҳамкорликнинг янги тенденциялари бугунги ҳолатини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, кенгайтириш истиқболлари муҳим стратегик вазифа бўлиб қолмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон–Қозоғистон: азалий ҳамкорликнинг янги босқичи
<https://www.aza.uz/uz/posts/ozbekiston-qozogiston-azaliy-hamkorlik>
2. Ўзбекистон — Қозоғистон: яқин қўшничилик ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик <https://old.xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/asoslangan-amkorlik>
3. Ўзбекистон ва Қозоғистон чегара ҳудудида ҳалқаро савдо иқтисодий ҳамкорлик марказига тамал тоши қўйилди <https://xabar.uz/vp5j>
4. Қосим-Жомарт Тоқаев 14-15 апрель кунлари Ўзбекистонда бўлди
<https://uzanalytics.com/xalqaromunosabat/4436/>
5. Ўзбекистоннинг 2020 йилда қайси давлатлар билан ташқи савдо айланмаси юқори?
<https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonning-2020-jilda-qajsi-davlatlar-yuqori>
6. Взаимоотношения Узбекистана и Казахстана: основные тенденции и фактор устойчивости Центральной Азии <https://www.caa-network.org/archives/6994>
7. ИНТЕРЕCHO Казахстан – Узбекистан: стратегическое партнерство
<https://www.kazpravda.kz/fresh/view/kazakhstan--egicheskoe-partnerstvo>
8. Казахстан и Узбекистан – два локомотива интеграции? <https://www.caa-network.org/archives/22034/kazakhstan-i-uzbekistan>
9. Sayfullaev, D. (2016). Parliamentary Diplomacy In Making Of Foreign Policy. *The Advance Science Journal of International Relations*, 1(1), 52-54.
10. Sayfullaev, D. B. (2020). CONCEPTUAL BASIS OF THE MODERN WEST AND EAST DIPLOMACY STUDY. *Journal of Legal, Ethical and Regulatory Issues*, 23(2), 1-10.
11. Madaminova, D. I., & Fayzullaev, S. A. (2021). The important aspects of uzbekistan's initiatives in central Asia. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 324-328.
12. Madaminova, D. I. (2021). Uzbekistan as a leading initiator in central Asia. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1045-1049.